

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 27 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 250 (11.059)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда мамлакатимиз Президенти таклифига кўра бунёд этилган ва шаҳардаги энг эътиборга сазовор жойлардан бирига айланган Тинчлик майдонининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Таъкидлаш кераки уч гектарли худудни ўз ичига олувчи Тинчлик марказидан тинчлик, бахт-саодат ва халқнинг фаровонлиққа интилишини ўзида акс эттирувчи бетакрор ҳайкаллар композицияси ўрин олган.

● Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди.

● Навоий шаҳрида «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг 2007 йилги фаолияти ҳамда 2008— Ёшлар йилидаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир қатнашчилари ечимини кутаётган муаммолар, 2008 йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар хусусида атроф-лича фикр юритдилар.

● Қорақалпоғистонлик тадбиркорларнинг «Россия ва Ўзбекистон: стратегик ҳамкорлик» кўргазмасида иштирок этганлигининг меvasи ўлароқ Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси билан россиялик шериклар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги бир қатор битимлар имзоланди.

● Янги йил арафасида МТС компаниясининг Тошкент шаҳридаги абонентларга хизмат кўрсатиш учун иккинчи офиси очилди.

● Жиззах вилоятида Ижтимоий химоя йилида кам таъминланган оилаларга уч миллиард сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Чунончи, ҳомийлик маблағлари асосида ташкил этилган «Ижтимоий химоя йили» жамғармаси томонидан эҳтиётхонада 230 оиллага коммунал хизматлари тўловларини тўлаш учун кўмак кўрсатилди, касбухона коллежаларининг 138 ўқувчиси стипендия билан таъминланди.

● Урганч шаҳрида тадбиркор Фарҳод Ибодуллаев ташаббуси билан хусусий босмахона иш бошлади. Барча қўлайликка эга мазкур босмахонада замонавий полиграфия хизматлари кўрсатилади.

● «Зоминвест» қурилиш фирмасининг бунёдкорлари томонидан Зомин тумани марказида усти ёпик янги бозор қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бозорда 77 та савдо дўкони, бешта умумий овқатланиш шохбчаси, турли маҳсулотлар билан савдо қилувчи учта павильон, 480 ўринли савдо расталари мавжуд.

● Қизилтепа «Пахтаозолаш» ОАЖ корхонасида Испаниянинг «Юбус» компаниясидан келтирилган чигитни дориллаш ускуналари ишга туширилди. Қурилманинг афзаллик томони шундаки, чигитни дориллаш, туқларини ажратди, уруғлигининг миқдорини ўлчаб, қоплар оғзини тикади.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Грузиянинг муҳолифатдаги «Имедия» телеканални мамлакатда 5 январга мўлжалланган Президент сайловларидан олдин номзодларнинг турли сиёсий ўйинларига аралашмаслик мақсадида ўз фаолиятини тўхтатди.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес Марказий Америка давлатларига экспорт қилинаётган нефть ҳақини хизматлар ёки банан ва шакар каби маҳаллий маҳсулотлар билан тўлашни таклиф қилди.

● Япония мамлакатининг шимолий қисми — Иваэ маъмурий худудида 5,1 магнитуда кучига эга ер силкиниши рўй берди. Ҳозирча жабрланганлар ва вайроналар ҳақида маълумотлар йўқ.

● Террорчилик ҳаракатлари хавфи муносабати билан Бельгияда кенг қўламдаги хавфсизлик чоралари кўрилмоқда. Зеро бу ерда келиб чиқishi Осие ва Африкадан бўлган 14 киши ҳибсга олинган бўлиб уларнинг жамоат транспорти, дўконларда ва умумий овқатланиш жойларида, аҳоли кўп тўпланадиган ерларда портлашларни тайёрлаётганликлари маълум бўлди.

● Непал пойтахти Катмандудан 500 километр узоқликда жойлашган Чунчу кишлоғига диний байрамни нишонлаш учун бораётган кишилар Бери дарёси устига қурилган эски осма кўприқдан ўтаётган пайтада кўприк узилиб, юзлаб одамлар жуда тез оқувчи дарёга кулаб тушди. Ҳозирча кутқарувчилар сувдан 6 кишининг жасадини олиб чиқшди. Маълумотларга кўра, юзлаб одамлар дарёга чўккан.

● Кеча Олмаота аэропортида Challenger CL60 хусусий йўловчи самолёти учш пайтида йўлдан чиқиб кетиб, аэропорт деворига урилган ҳолда портлаб кетган. Маълумотларга кўра, самолёт йўловчиси ҳалок бўлган, икки учувчи ва стюардесса жароҳат олиб касалхонага ётқизилган.

● Кеча Ироқ шимолидаги Байди шаҳрида полициячи террорчи кетаётган машинани тўхтатганида, у портлатувчи ускунани ишга солди. Натижада 25 киши ҳаётдан кўз юмди, 80 киши эса тан жароҳатларини олди.

● Хитойда денгиз тубидан бундан саккиз юз йил муқаддам чўкиб кетган кема қирғоққа кўтариб олинди. Унинг бортидаги катта миқдордаги чинни ва тилла буюмлар яхши сақланиб қолган экан.

## ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИКЛАР

Мамлакатимизда 2007 йил 23 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов муносабати билан Президент Ислон Каримов номига табрик кўнғироқлари ва телеграммалари келмоқда.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2007 йил 24 декабрда бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовни юксак давлат раҳбари лавозимига сайлангани муносабати билан табриклади ва унга ҳамда Ўзбекистон халқига муваффақиятлар, тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилади.

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бақиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Украина Президенти Виктор Ющенко ҳам телефон орқали мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий табрик ва эзгу тилақларини изхор этдилар.

Ўзбекистон раҳбари номига Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаодан келган табрик телеграммасида бундай дейилган:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганини муносабат билан Сизга ўзининг самимий табрик ва истакларини йўллашдан мамнунман.

Хитой ва Ўзбекистон яхши қўшнилар бўлиб, мамлакатларимиз халқларини анъанавий дўстлик ришталари боғлаб туради. Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган ўн беш йил мобайнида ҳар икки томоннинг биргаликдаги савий-ҳаракатлари тўғрисида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч, тенг ҳуқуқли, манфаатли ва дўстона ҳамкорлик ҳамда шериклик муносабатлари ўрнатилди.

Мамлакатларимиз сиёсат, иқтисодий, савдо, энергетика, хавфсизлик, гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини изчил кенгайтирмоқда ва салмоқли ютуқларга эришмоқда. Давлатларимиз БМТ, ШХТ ва бошқа кўп томонлама ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик мустаҳкамланаётгани, иқтисодийнинг изчил ривожланиши давом этаётгани, аҳолининг турмуш даражаси тобора ортиб, мамлакатнинг халқро майдондаги нуфузи муттасил юксалиб бораётгани бизни қувонтиради. Ишончим комилки, Ўзбекистон халқи Сизнинг раҳбарлигинида ўзининг буюк давлатини барпо этиш йўлида янада улкан муваффақиятларга эришади.

Хитой Ўзбекистон халқи ўзи танлаган изчил тараққиёт йўлини юксак қадрлайди, мамлакатининг давлат мустақиллиги, суверенитети ва хавфсизлигини ҳам қилишга, иқтисодий ривожланишга қаратилган савий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Мен, Сиз билан биргаликда, Хитой ва Ўзбекистон ўртасида шериклик муносабатларини, дўстлик ва ҳамкорлиқни янги даражага кўтариш учун келгусида ҳам ўзаро ишонч ва дўстликни, турли соҳаларда амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёрман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва гоаят масъулиятли фаолиятинида муваффақиятлар тилайман.

Мамлакатинида куч-қудрат ва раванг, халқинида эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Миср Араб Республикаси Президенти Хусний Муборак, Туркия Республикаси Президенти Абдуллоҳ Гул, Эрон Ислон Республикаси Президенти Махмуд Ахмадинежад, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Нгуен Минь Чиаддан ҳам табрик телеграммалари келди.

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

### КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ—2008 ЙИЛ БАЙРАМИ АРАФАСИДА РОССИЯДАГИ «МИЛАНА ФУД» КОМПАНИЯСИНING «ЎЗМИЛАНА» ШЎЪБА КОРХОНАСИДА «МИЛАНА ФУД» САВДО БЕЛГИСИ БИЛАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ТЕЗПИШАР ВЕРМИШЕЛЬ МАҲСУЛОТИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ АЖОЙИБ ТУҲФАЛАРГА ЭГА БЎЛДИЛАР.

### Янги йил шукухи

## «ЎЗМИЛАНА» ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА АЖОЙИБ СОВГА

Маълумки, жорий йил апрелдан бошлаб корхона тадбиркорлари ўз маҳсулотлари харидорлари ва истеъмолчиларига аjoyиб совга хозирлаш мақсадида акция уюштириб ютуқлар ўйинини жорий этди. Унга кўра истеъмолчилар ўзлари харид қилган «Ўзмилана»нинг «Тезпишар вермишель» қадоқламаси ичидаги купонни олиб, орқасига ўз маълумотларини ёзиб, корхона офисига юборишлари лозим эди. Ана шунга кўра ушбу акция 3 босқичда ўтказилиши режаланган бўлиб, 17 июль ва 27 августда ўтказилган 1-ва 2- ютуқлар ўйини босқичларида мингга яқин



Давоми 2-бетда.

ютуқ эгалари аниқланди. Уларнинг барчаси ўз ютуқларига эга бўлди. Ютуқлар орасида уй кинотеатри, телевизор, мобил телефон, DVD ва бошқа кўплаб уй-рўзгор буюмлари бўлиб, муҳими ушбу эгаларини мамнун этди.

Акция, яъни ютуқлар ўйинини сўнги учинчи тури куни кеча — ўзининг кўтлуг қадамлари билан кириб келаятган 2008 йил арафасида ўтказилди. Унда супер ютуқ «MATIZ» автомобили, «ROISON» рангли телевизорлари ва бошқа рағбатлантирувчи ютуқлар ўйналди.

(Давоми 2-бетда).

## Каска сатрларда

- **БУГУН** Ҳамза туманидаги 30-Меҳрибонлик уйида «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида тарбияланувчилар иштирокида уюштирилган тадбир «Салом, арчажон» деб номланди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей бунёдкорлар томонидан замонавий тарзда қайта

- таъмирланган янги бинода фаолият бошлади.
- **ЖАР** спорт мажмуасида кўл жанги бўйича халқаро турнир ўтказилди.
- **КАМОЛОТ** ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» фаоллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатига яқинлашиб келаятган Ёшлар йилининг моҳияти ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## Сўз — халқаро кузатувчиларга

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЛОВ ЎТҚАЗИШ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНСА АРСИЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ШУ ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҚАТОР ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА 30 ДАН ОРТИҚ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТДАН КЕЛГАН 300 ГА ЯҚИН КУЗАТУВЧИ БЕВОСИТА КУЗАТИБ БОРДИ.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ — ЎЗА МУХБИРЛАРИ УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ БИЛАН СУҲБАТДА БЎЛИБ, МАМЛАКАТИМИЗ САЙЛОВ ТИЗИМИ, ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРЛАРИК, БЕВОСИТА САЙЛОВ ЖАРАЁНИДАН ОЛГАН ТААСУРОТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИНИ БАЁН ҚИЛИШНИ СЎРАДИ. ҚҲИДА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

Теуджи ТАНАКА, Марказий Осие ва Кавказ давлатларини ўрганиш институтининг ижрочи директори (Япония):

— Мен борган барча сайлов участкаларида сайловчиларнинг фаллиги, айниқса, биринчи марта овоз бераётганларнинг кўтаринки кайфиятини кўрдим. Овоз берувчиларнинг фаоллиги ва сайловнинг барча демократик тамойилларга амал қилинган ҳолда ўтгани менга жуда маъқул бўлди.

Энг муҳими ташвиқот кампанияси ҳам, сайлов жараёни ҳам ўзбекларга хос одоб-ахлоқ меъ-

ёрлари доирасида ўтди. Ўзбекистонда сайлов жараёни ривожланган демократик давлатлар сайлов тизимидан асло қолишмайди. Лекин, юртингизда, айрим давлатларда бўлгани каби, овоз кетидан қувиб, шарм-хаёни, одамгарчиликни унуттиш, ур-тўпо-луна гуруҳбозликларни кўрадим. Сайловга доир барча ишлар ўзбекистонда бағрикенглик ва донишмандлик билан амалга оширилди. Шарқ халқларига хос ўзаро иззат-ҳурмат, оғир-босиқлик сайловчиларнинг эркин фикрлашида муҳим омил бўлди, деб ўйлай-

(Давоми 2-бетда).

## ДУНЁ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ:

# «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЭРКИН ВА АДОЛАТЛИ БЎЛДИ»

Дунёнинг турли нуқталарида фаолият юритадиган халқаро аxbорот агентликлари, матбаа нашрлар ҳамда теле янгиликлар чиқарувчи мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловлари тўғрисидаги хабарлар алоҳида ўрин эгаллайди.

сиёсий барқарорлик, кескин иқтисодий бўҳронларни четлаб ўтиш ҳамда кейинги йиллар давомидаги салмоқли иқтисодий ўсиш таъминланди. Бу сиёсат бошқа мамлакатларнинг моделларидан кўр-кўрона нусха кўчириши эмас, балки ўз реалликларини, шунингдек, ўзбек халқининг тарихий, анъанавий ва маданий ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиёти ривожлантириш заруратини ифода этади. И.Каримов «фалаж этиб доволаш» кўринишидаги тажрибаларни, режасиз хусусийлаштириш ва нарх либераллаштирилишини ўтказмади. Унинг «янги уй қурмай туриб эскисини бузма» шиори Ўзбекистонда кенг оммалашгандир.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).





# АТ

## «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

### ТОШКЕНТ ШАҲАР МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ

**Азиз юртдошлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!**

*Сизларни кириб келаётган Янги — 2008 йил билан энг эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда самимий муборакбод этамиз!*

Банк жамоаси сизларга замонавий ва манфаатли банк хизматларини тақдим этишни давом эттириб, ушбу улғу кунларда сизларга соғлиқ, оилавий бахт ва юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишидаги саъй-ҳаракатларингизга муваффақиятлар тилаган ҳолда даромадларингизни янада ошириш мақсадида юқори даромад берувчи, сақлаш муддати

**3 ой** бўлган «САХОВАТ»

номли янги муддатли омонат турини тақлиф этади.

Ушбу омонат сизга маблағларингизни асраш ва кўпайтириш имконини беради. Банк сармояларингиз ҳақидаги маълумотларни сир сақлаш ва биринчи талабингиз билан пул маблағларингизнинг қайтариб берилишини кафолатлайди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» жамғарма кассаларидаги омонатлар «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан ҳимояланган.

**Банкимизнинг барча янги хизмат турлари Сизлар учун, азизлар!**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» —**

**вақт давомида синалган ишони!**

Мурожаат учун телефонлар: 133-34-45, 136-06-54.

WWW.UZPSB.UZ

# АЗИЗЛАР!

## Янги — 2008 йил

### БАРЧАНГИЗГА МУБОРАК

### БЎЛСИН!

*Ватанимиз равнақи, халқимиз*

*тўқинлиги йўлида амалга*

*ошираётган ишларингизда чўққан*

*зафарлар тилаймиз.*

*Доимо соғ-омон ва бахтли бўлинг.*

### «ЧИЛОНЗОР БУЮМ БОЗОРИ»

### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



## «ТОШКЕНТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАҲИРАСИ»

### ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*кириб келаётган*

**Янги 2008 — Ёшлар йили билан**

**муборакбод этади!**

*Янги йилда сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилайди.*

**ХОНАДОНИНГИЗГА**

**ҚУТ-БАРАКА, ТЎКИНЛИК АРИМАСИН!**



**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ

### МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

*барчангизни Янги йил билан табриклайди!*

2008 йил ҳар бир оилага омад ва фаровонлик олиб келишига, шаҳарда соф экологик муҳитнинг юзага келиши, унинг яшил бойлиги янги дарахтлар ва гуллар ҳисобига кўпайиши, кўчалари, майдонлари ва мавзеларининг чиройи янада очилишига тилакдошмиз.

*Юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги барча режаларингиз рўйбега чиксин, азизлар.*

*Тўқинлик-осойишталик ва мустақам саломатлик доимий халроҳингиз бўлсин!*

**Республика Кўчмас мулк биржаси куйидаги хоналарни ижарага беради!!!**

- Биринчи қаватда 31.2қв.м.
- Биринчи қаватда 21.8қв.м.
- Учинчи қаватда 29.96 қв.м.

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Қорақамиш 2-4 даҳаси, Ўрозбоев кўчаси, 1-А уй.  
Тел: 228-80-31; 228-78-96

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.




**«2-АВТОБУС САРОЙИ»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ  
АЗИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ

*Янги — 2008 йил шодиёнаси билан  
чин юракдан табриклайди.*

Оилангизга байрам  
қувончлари билан кириб  
келган бахт, аъло кайфият  
сизларни асло тарқ  
этмасин. Ўўларингиз  
ҳамиша ойдин ва равон,  
дилингиз ёруғ ва  
равшан бўлсин.



**«ПОЙТАХТ ТАОМ СЕРВИС»**

**ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

**ЮРДОШЛАРИМИЗ, ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ  
ВА СОҲА ХОДИМЛАРИНИ**

файз-тароват ила кириб келаётган янги —  
2008 йил билан энг эзгу ниятларни изҳор этган

холга кутлайди.

Яхши ният билан бошлаган барча  
ишларингизга омад ёр бўлишига тилакдошмиз.



**«МЕҲРЛИ САВДО»**

**ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

**АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ АҲЛИ, КЕЛАЖАГИМИЗ БЎЛМИШ БОЛАЖОНЛАРНИ**

*кириб келаётган Янги —  
2008 йил билан қизгин кутлайди.*

*Келажакда барча ўйлаган ниятларингиз  
амалга оширишига тилакдошмиз.*



**«ЭКОСАН» — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ  
ЙЎЛИДА**

Янги йил арафасида ҳар ким ўтган йил сарҳисоби ва келгусида бажариладиган вазифалар, янги ўй-режаларни муҳокама қилади албатта. «ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ ҲАМ КУНИ КЕЧА НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ БИЗНЕС МАРКАЗИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА «2007 ЙИЛНИНГ ЭКОЛОГИК ЯҚУНЛАРИ ВА «ЭКОСАН»НИНГ 2008 — ЁШЛАР ЙИЛИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУСИДА ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ.

Тадбирда шунингдек, маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳа ва дастурлар муҳокамаси ҳамда «Экосан» барқарор ривожланиш йўлида 15 йил» деб номланган китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатасининг депутатлари, «Экосан» муассис ташкилотларнинг раҳбарлари, қатор вазирлик ва идоралар, олий ўқув юрлари, жамоат ташкилотлари раҳбар ва вакиллари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқалар иштирок этишди. Йиғилишда сўзга чиққан «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметовнинг таъкидлашича, «Экосан» халқаро ташкилоти 2007 йилда атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, ижтимоий-экологик муаммолар ечимига қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, салбий экологик омилларнинг инсон саломатлигига таъсирини камайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини, санитария, гигиена ва экологик маданият соҳасидаги билимларни тарғиб қилиш, экологик маданиятни шакллантириш, гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш каби вазифаларнинг бажарилишига эътибор қаратилганлигини, «Экосан» ташаббуси билан 1997 йилдан эътиборан ўтказилиб

келинаётган «Экология ва саломатлик кунлари» тадбирлари мунтазам давом этиб, ташкилотнинг ўтган 2007 йилда «Ижтимоий ҳимоя йили» мақсадли дастурининг ижроси бўйича самарали фаолият олиб борганлигини таъкидлаб ўтди.

Шуни таъкидлаш керакки, «Экосан» ўз фаолияти давомида Марказий Осиёдаги нуфузли экологик ташкилотларнинг бирига айланиб улгурди. Атроф-муҳит муҳофазаси, барқарор ривожланиш ғояларини тарғиб қилишда, кенг жамоатчиликнинг эътиборини экологик масалаларга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларга жалб қилишда ижобий натижаларга эришилди. Давлат ва нодавлат ташкилотлар, аҳоли иштирокида ҳамда халқаро ҳамкорлар кўмағида ташкил қилинган тадбирлар экологик вазиятнинг яхшиланишига олиб келди. Тадбирда «Экосан»нинг 2008 йил Ёшлар йилидаги вазифалари ва мақсадли Дастури муҳокама қилинди. Дастурдан «Экосан-Камолот»: ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорлик» шиори остида ўтказиладиган тадбирлар ўрин олган.

Йиғилиш иштирокчилари «Ёшлар йили»га бағишланган «Экосан» халқаро ташкилотининг мақсадли Дастурини муҳокама қилиб, қабул қилдилар.

Дилором ИКРОМОВА

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ  
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р— 2146-сонли фармойишига асосан куйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Таълим муассасаси номи	Манзил
1	Тошкент Давлат техника университети қошидаги 3-сон академик лицейи	М. Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 54-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими

худудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;

2. Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
3. Суровнома (справка-объективка);
4. Таржимаи ҳол;
5. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
6. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

8. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
9. Паспорт (нусхаси);
10. Тавсифнома.
11. Меҳнат дафтарчасидан нусха; Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади. Мирожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй, 6-қават.

Тел: 136-05-01, 133-80-34.



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ**

Буюртма Г- 1107

**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

**Манзилимиз: 100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,  
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

**Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2049 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифланди.

«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6